

## ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИДА КИМЁВИЙ ПРЕПАРАТЛАРНИ ҚҮЛЛАНИЛИШИ ВА УЛАРНИНГ ИШЛОВЧИЛАР ОРГАНИЗМИГА ТАЪСИРИ

Хасанова М.И., Файзиева М.Ф.,

Ташкент педиатрия тиббиёт институти.

✓ *Резюме,*

Мақолада қишлоқ хўжалигида ишловчилар организмига кимёвий препаратлар таъсирини таҳлил натижалари келтирилган. Замонавий технология ва қишлоқ хўжалигидаги пестицидлар, ўсимликларни ўстируевчи регуляторлар ва минерал ўғитларни кенг кўламда қўлланилиши улар билан шубҳасиз атроф мухитни ифлосланишига олиб келади. Кимёвий препаратларини энг кўп қисми пахтачиликда, кейин боғдорчиликда, камроқ сабзовотчилик ва чорвачиликда қўлланилади. Аҳоли саломатлиги ва умумий касалланиши кўрсаткичларига кимёвий омилларнинг побоп таъсири аниқланган.

Калимли сўзлар: Қишлоқ хўжалиги, аҳоли, организм, саломатлик, касалликлар, меҳнат фаолияти, кимёвий омиллар, пестицидлар, минерал ўғитлар, аҳоли саломатлиги.

## ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ХИМИЧЕСКИХ ПРЕПАРАТОВ В СЕЛЬСКОМ ХОЗЯЙСТВЕ И ВЛИЯНИЕ НА ОРГАНИЗМ РАБОТАЮЩИХ

Хасанова М.И., Файзиева М.Ф.,

Ташкентский педиатрический медицинский институт.

✓ *Резюме,*

В статье приведены результаты анализа изучения влияние химических препаратов на организм, работающих в сельском хозяйстве. Современная технология и значительные обёмы применения в сельском хозяйстве пестицидов, регуляторов растений и минеральных удобрений неизбежно приводит к загрязнению ими окружающей среды. Наибольшее количество препаратов используется в хлопководстве, затем в садоводстве, меньше в овощеводстве и животноводстве. Установлено, неблагоприятное влияние пестицидов на здоровье и показателей общей заболеваемости населения.

Ключевые слова. Сельское хозяйство, население, организм, здоровье, заболеваемость, трудовая деятельность, химические препараты, пестициды, минеральные удобрения, здоровье населения.

## USE OF CHEMICALS IN AGRICULTURE AND INFLUENCE ON THE ORGANISM OF WORKERS

Khasanova M.I., Fayzieva M.F.,

Tashkent Pediatric Medical Institute.

✓ *Resume,*

The article presents the results of the study analysis of the effect of chemicals on the body of workers in agriculture. Modern technology and significant amounts of pesticides, plant regulators and mineral fertilizers used in agriculture inevitably lead to environmental pollution. The largest number of drugs is used in cotton growing, then in horticulture, less in vegetable growing and animal husbandry. The adverse effect of pesticides on health and indicators of the general morbidity of the population has been established.

Keywords. Agriculture, population, organism, health, morbidity, labor, chemicals, pesticides, fertilizers, public health.

### Долзарблиги

Қишлоқ хўжалиги инсоннинг меҳнат фаолиятида муҳим ўринни эгаллайди ва бу соҳада умумий аҳолининг кимёвий қисми иштирок этади. Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши аҳолининг аксарият қисми учун меҳнат фаолиятининг асосий тури ҳисобланади, чунки Республикаизда саноат корхоналарининг тури ва сони бошқа ривожланган давлатларга қараганда нисбатан камроқdir. Қишлоқ меҳнаткашлари меҳнатининг ўзига хос яна бир томони шундан иборатки, улар меҳнат қилиш жараённида минерал ўғитлар ва пестицидлар билан яқиндан алоқада бўладилар. Пестицидлар сўзи умумлаштирилган бўлиб, ўз доирасига турли хил кимёвий бирикмаларни қамраб олади, уларнинг турли хил синфлари мавжуд бўлиб, улар фақатгина қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлатилиб қолмасдан балки бошқа соҳаларда ҳам ишлатиласди. Жумладан, соғликни сақлаш, саноат, нефть қазиб олиш ва бошқа

ҳолатдарда қўлланилади. Кейинги йилларда пестицидларнинг катта миқдори қишлоқ хўжалигидаги, ўрмончилик хўжалигидаги ва ветеринария соҳасида қўлланилиб келинади. Қишлоқ хўжалик соҳасида экинларини касалликларидан, ҳашаротлардан асраш ва ҳосилдорликни ошириш мақсадида турли заҳарли химикатларни ишлатиласди [6].

Атроф-муҳит ва инсон саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича давлатлар ўртасидаги муҳим масалалардан бири биосферани пестицидлар билан ифлосланишини олдини олиш ҳисобланади. Бироқ пестицидларни атроф муҳитда юқори фаол бўлиши ва айланиб юриши, шунингдек уларнинг кўпчилиги аҳоли саломатлигига хавф туғдириши мумкин. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг интенсификацияси уни кимёлаштирилиши билан узвий боғланган. Заҳарли химикатлар маданий ўсимликларнинг заарқунандалари ва касалликларидан ҳимоя қилишга, бегона ўтлардан ҳалос қилишга, ҳосилдорликнинг ошишига имкон беради.

**Текширув мақсади:** Кимёвий омилларни инсон саломатлигига таъсирини ўрганиш ва таҳлил қилиш.

## Материал ва услублар

Жаҳон ва мамлакал илмий адабиётлар таҳлилий манбалари ўрганилди ва таҳлил қилинди.

## Натижга ва таҳлиллар

Қишлоқ аҳолисининг меҳнат шароити энг аввало қишлоқ хўжалигидаги тармоқлар турига боғлиқ - пахтачилик, боғдорчилик, сабзовотчилик, чорвачилик кабилар. Бундай турдаги тармоқларда бажариладиган ишларда меҳнатнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуддир. Шунга қарамасдан қишлоқ хўжалигидаги меҳнатнинг умумий жиҳатлари ҳам мавжуддир. Жумладан қишлоқ хўжалигидаги меҳнат жадаллигининг фаслларга қараб ўзгариши, асосий иш турларининг очиқ ҳавода бажарилиши, меҳнатга жалб қилинган шахсларнинг тупроқ муҳити билан бевосита алоқада бўлиши. Меҳнатнинг асосий турлари очиқ ҳавода бажарилганлиги сабабли, далада ишловчилар организми номувофиқ микроиқлим метеорологик омиллар таъсирида бўлади. Бундай таъсир Ўзбекистоннинг иссиқ иқлими шароитида жуда катта аҳамиятга эгадир, чунки ёз ойлари очиқ майдонлардаги ҳавонинг ҳарорати айрим ҳолларда  $50^{\circ}\text{C}$  гача кўтарилади, бу ўз ўрнида ишловчилар организмининг қизиш ҳавфини вужудга келтиради. Шу билан бирга иш қунининг жуда эрта бошланиши, ҳамда жуда кеч тугаши, муздек совуқ сув билан тез-тез мулоқатда бўлиш (ерга ишлов бериш албатта сугориш билан боғлиқ бўлганлиги сабабли) организмнинг совуши ва ўта совуш ҳолатларини келиб чиқишига олиб келиши мумкин. Натижада ишловчиларда облитерацияланувчи эндартерит касаллигининг ривожланишига шароит яратилади. Қишлоқ хўжалигига ишловчиларнинг деярли кўпчилиги учун бажариладиган ишларнинг тез-тез алмашиниб туриши жуда характерлиdir, ваҳоланки қишлоқ хўжалигининг юқори дараҷада индустрлаштирилиши кузатилса ҳам, асосий меҳнат аҳли эрта баҳорда кетмон билан ер текислаш, пахтачилик бўлса экиш палласида сеялкачи ёки чигитларни ивitiш ва уни сеялкага солиш, ундан кейин яганалаш ишлари, чопик, сувчилик каби турли туман ишларни бажариш кабиладирлар. Бажариладиган ишларнинг табиити ёки тури, у катта ҳажмли ёки кичик ҳажмдаги ишлар бўлишидан қатъий назар ишчиларда катта толиқиши ҳолатини келтириб чиқаради (айниқса фермер хўжаликлари).

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидаги ишчиларнинг асосий иш жойлари - очиқ дала майдонлари, чорвачилик обьектлари, хирмон, машина-трактор устахоналари, дала шийпонлари ва бошқалар бўлиб, тарқоқ ҳолда, ҳамда аҳоли яшаш жойларидан узоқда жойлашганлиги билан характерлиdir. Шунинг учун ишловчиларга майший-санитария хизмат кўрсатишни ташкил қилиш маълум қийинчиликларни тугдиди.

Қишлоқ хўжалик ходимлари учун шунингдек биологик омилларнинг таъсирини кундан-кунга ортиб бораётганлиги характерлиdir. Агар илгари бундай таъсирга фақатгина касалланган чорва моллари билан яқиндан алоқада бўладиган ишчилар учраган бўлса, бугунги кунда бундай таъсирга деярли барча қишлоқ аҳолиси учраши табиий бир ҳол. Чунки ўсимликшу-

нослик амалиётида қишлоқ хўжалик экинларини касалланишдан ҳимоялаш мақсадида биологик восита-лардан фойдаланиш кенг кўламда олиб борилаятти. Биологик воситалар ўсимликларни ҳимоялаш учун-гина эмас, балки уларнинг ўсиши ва ривожланишини тезлаштирувчи, ҳосилдорлигини оширувчи восита ҳамдир. Чорвачиликда эса - қишлоқ хўжалик ҳайвонларига сунъий озуқалар - витамины, фермент тутувчи, антибиотики препаратлар, оқсили озуқа қўшилмалари кабилардан кенг кўламда фойдаланилмоқда.

Қишлоқ хўжалиги ходимларининг меҳнатини мемханизациялаштириш, улар организмига шовқин, теб-раниш, чиқинди ёқилғи газлари, ёқилғи ва мойлаш материаллари ва ҳаво муҳитининг юқори даржадаги чангланганлиги каби омилларнинг таъсир этиш мумкинлигини оширади.

Қишлоқ меҳнаткашлари меҳнатининг ўзига хос яна бир томони шундан иборатки, улар меҳнат қилиши жаараёнида пестицидлар ва минерал ўғитлар билан яқиндан алоқада бўладилар.

Қишлоқ хўжалигига қўлланиладиган кўпгина кимёвий препаратлар, ҳам уларни қўллагандага ва ҳамда улар билан ишлов берилган озуқа маҳсулотларини истеъмол қилганда, соғлиққа нобоп таъсир кўрсатади. Пестицидлар интенсив қўлланиладиган туманларда қон айланиши, овқат ҳазм қилиш ва асаб тизими касалликлари билан касалланиш кўпаяди. Пестицидлар ва минерал ўғитлар сув ҳавзалари, ер ости сувларига кириб боради ва дарё, кўл ва океанларнинг глобал ифлосланиш ҳавфини яратади.

Шифокорлар заҳарли кимёвий препаратларнинг ўзига хос таъсир кўратиши ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлишлари, ишчиларнинг ишлаб чиқариш фаолиятига алоҳида эътиборни қаратишлари ва у ёки бу кимёвий воситаларнинг соғлиқ учун хавфлигини тўғри баҳолай олишлари лозим. Пестицидлар ўсимликларни зааркунданда ҳашаротлари (инсектицидлар), касалликлари (функцийдлар-ДАГ-1), бегона ўтларга қарши (гербицидлар), гўза экинларини баргини тўкиш учун (Фандеф) ва бошқа мақсадларда қўлланилади [7,8]. Дунёда ҳозирги вақтда ишлатиладиган пестицидлар тури бир неча мингдан ортиқ. Улар ичидаги ўзларининг атроф - муҳитда ниҳоятда заҳарлилиги, кўплари узоқ вақт табиити муҳит таъсирида парчаланмай, ўзларининг чидамлилиги билан ажralib турадиганлари мавжуд. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига кўра, қишлоқ хўжалигига дунё бўйича йилига етказиладиган зарар бир неча ўн миллиардлаб долларни ташкил қиласди. Шунинг учун ҳам аҳолини озиқ - овқат ва бошқа табииий маҳсулотларга эҳтиёжини қондириш учун, халқ хўжалигининг айниқса қишлоқ хўжалиги соҳасида кўп миқдорда органик ва ноорганик бирикмали пестицидлар ишлатилади. Кимёвий препаратлар токсикологик, мутаген, канцероген, эмбриотоксик, аллергик ва бошқа хусусиятлари эга бўлиб, инсон ва ҳайвонлар популяциясига патоген - заҳарланиш таъсирини кўрсатиши мумкин. Заҳарли химикатлар билан қишлоқ хўжалик экинларига қандай ишлов берилмасин, улар биосферанинг ўсимликлар билан бир қаторда бошқа объектларини сув ҳавзаларини, атмосфера ҳавосини, тупроқни, ўсимликларни ва бошқаларни ҳам ифлослантиради. Пестицид намунасининг устида ўтказиладиган тадқиқот-текширув ва синовлар икки мақсадни кўзлаб ўтказилади. Биринчидан, кимёвий модда билан ўсимликларга ишлов берилганда уларнинг самараси, иккин-

чидан одам ва ҳайвонлар организмига тушган ҳолларда, қанчали заарли таъсир кўрсатишини олдини олишни аниқлаш мақсадида олиб борилади.

М.И. Хасанова томонидан "Сальмонеллэз инфекцияси модели"да ўтказилган экспериментал тадқиқот ишида оқ сичқонларга фосфамид (БИ-58) ва амбуш пестицидларининг 0,2 мг/кг дозаси таъсири натижасида талоқда салмонеллалар кўпайиши даражаси юқори кўрсаткичларга эга бўлғанлиги аниқланган. Пахта етиштиришда пестицидлар интенсив тарзда кўллаб келаётган Фаргона вилоятининг тажриба тумнарида олиб борилган илмий тадқиқот изланишлар фосфамид (БИ -58) пестициднинг 2 мг/кг дозасини сақловчи сув ва озиқ овқат маҳсулотларини истемол қилиниши организмнинг юқумли касалликларга бўлган резистентлигини пасайишига ва аҳоли орасида бактериал ичак инфекцияларнинг келиб чиқишига олиб келиши орасида миқдорий боғланиш аниқланган. Булардан кўриниб турибдики, пестицидлар иссиқ қонли организмлар учун ўта хавфли ҳисобланади [2,3,4,5]. Адабиётларда келтирилган маълумотларга кўра пестицидларнинг аҳолининг умумий касалланиши, сил касаллигининг кечиши ва даволаниш самарадорлиги, операциядан сўнг яралаларни битишига нобоп таъсири ўрганилган [1]. Шунинг учун ҳам, қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган ҳар қандай пестицидлар чукур текширувлардан ўтказилиб, ҳар томонлама ўрганилиши талаб этилади.

Зарарли кимёвий препаратларни қўллаш жараёнида уларнинг атроф- табиий муҳит объектларидағи қолдиқ миқдорларининг организмга бўладиган таъсирини олдини олиш энг долзарб муаммо ҳисобланади. Бу борада заҳарли кимёвий препаратларнинг қолдиқлари атроф – муҳит объектларида, ишчи зона ҳавосида, турар жойларнинг атмосфера ҳавосида, сув ва сув ҳавзаларида, қишлоқ хўжалик экин майдонларида, тупроқда, озиқ – овқатда (сабзавот – мева) пестицидларнинг қолдиқ миқдорини аниқлаш, гигиеник – токсикологик текширув асосида мавжуд меъёрлар билан таққослаш ишлари олиб борилади. Ушбу ишларни самарали олиб бориш учун ҳар бир табиий обьектга – ҳавога, сувга, озиқ – овқатга ва тупроқга гигиеник меъёрлар ишлаб чиқилади.

## Хулоса

Шундай қилиб, қишлоқ хўжалигида кимёвий препаратларини қўлланилишида гигиеник чора-тадбирларни бажарилиши инсон организмига зарарли моддаларнинг негатив таъсирларини, таъсир жадаллигини, ҳамда уларнинг миқдор жиҳатдан пасайтиришга имкон яратади. Оқибат натижада бундай тадбирлар аҳолининг саломатлик ҳолатига ижобий таъсир кўрсатиши муқаррардир.

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Аззамов Р.А., Тахиров М.Т., Хамракулов Р.Ш. Влияние пестицидов на течение экспериментального туберкулёза и определение остаточных количеств пестицидов во внешней среде Ташкент. Медицина. 1988. С.5-8. [Influence of pesticides on the course of experimental tuberculosis and determination of residual amounts of pesticides in the external environment. Tashkent. Medicine. 1988. P. 5-8. (In Russ)].
2. Талаева Ю.Г Чугунихина Н.В., Хасанова М.И. Влияние интенсивности применения агрехимиков на заболеваемость населения кишечными инфекциями Научно-практическая конференция «Актуальные вопросы применения пестицидов и полимерных материалов в народном хозяйстве» Москва.83 С. 1990г[Actual issues of the use of pesticides and polymeric materials in the national economy », Moscow. 83 p. 1990 (In Russ)].
3. Талаева Ю.Г Чугунихина Н.В., Хасанова М.И. Тахиров М.Т Зависимость заболеваемости населения кишечными инфекциями от бактериального загрязнения питьевой воды и от интенсивности применения агрехимиков Научно-практическая конференция «Гигиена окружающей среды» Сб/трудов под ред проф. Г.Н.Красовского Москва.53 С. 1990г [Dependence of the incidence of intestinal infections on bacterial contamination of drinking water and on the intensity of the use of agrochemicals. Scientific and Practical Conference «Environmental Hygiene» Collection of papers under ed. Prof. G.N. Krasovskiy Moscow. 53 p. 1990 (In Russ)].
4. Хасанова М.И. Бекжанова Е.Е. Гигиеническая оценка роли химического фактора в заболеваемости населения бактериальными кишечными инфекциями Методические рекомендации утв. Мин ЗдравомУзССР за №01271392 от 25.10.90 Ташкент. 13 С. 1990г. [Hygienic evaluation of the role of a chemical factor in the incidence of bacterial intestinal infections in the population. Methodical recommendations approved by Min of Health of UZSSR No. 01271392 from 10.25.90 Tashkent. 13 p.1990y (In Russ)].
5. Хасанова М.И., Бекжанова Е.Е., Абдукадыров А.,Хасанова Ф.З Влияние остаточных количеств пестицидов в окружающей среде на население в условиях микробного загрязнения хозяйственно-питьевых вод. Научно-практическая конференция «Охрана окружающей среды и здоровья населения» Сборник научных трудов. Ташкент.С. 32-33.1992г. [The effect of residual pesticides in the environment on the population under microbial pollution of drinking water. Scientific-practical conference «Environmental Protection and Public Health» Collection of scientific papers. Tashkent.P. 32-33.1992y. (In Russ)].
6. Дусчанов Б.А., Солиҳужаев С.С., Искандарова Ш.Т. Умумий гигиена-дарслик, Ташкент, 2001 й. // General hygiene textbook, Tashkent, 2001. pdf.
7. Искандаров Т.И., Раманова Л.Х., Искандаров А.Б., Славинская Н.В. Токсичность и опасность нового дефолианта хлопчатника "Фандеф" в условиях острого опыта //Профилактическая медицина; гигиеническая наука и практика Сб. науч трудов Рес. Науч-прак. Конф.Ташкент,2015-C46-47[Toxicity and danger of the new cotton defoliant "Fandef" under the conditions of keen experience // Preventive medicine; hygienic science and practice Collection of Scientific Works. Rep. Scientific pract. Conf. Tashkent, 2015-P. 46-47 (In Russ)].
8. Искандаров Т.И., Раманова Л.Х. , Искандаров А.Б., Славинская Н.В. Гигиенические аспекты безопасного применения проправителя семян хлопчатника наноструктурированного "Узхитана " //Журнал теоритической клинической медицины.- Ташкент, 2015 -№6.-С 41-44. [Hygienic aspects of the safe use of the disinfectant for the seeds of the nano-structured "Uzhitana" // Journal of Theoretical Clinical Medicine.- Tashkent, 2015. No. 6.-P. 41-44. (In Russ)].

Келиб тушган вақти 09.07. 2020